



ИНСОН ҚОНУН ва

27 октябрь 2020 йил / № 42 (1246)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМЛАШТИРИЛСА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

БАРЧА соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш, қабул қилинганига кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

8-БЕТ



ТЎРАҚЎРҒОН ҲОКИМЛИГИДАН 3 ЙИЛ
ДЕГАНДА КОМПЕНСАЦИЯ УНДИРИЛДИ 4-БЕТ



ҲИМОЯ ОРДЕРИ
ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯЛАЙДИМИ? 5-БЕТ

ОҚЛАНГАН СЕРЖАНТ
НЕГА САРСОН-САРГАРДОН?! 6-БЕТ

БОСМА НАШРЛАР ЯШАЙДИ

ДУНЁДА

ЯПОНИЯНИНГ "THE YOMIURI SHIMBUN" НОМЛИ КЎХНА НАШРИ ҲАР КУНИ 10 МИЛЛИОН НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.



БУЮК БРИТАНИЯНИНГ "THE DAILY TELEGRAPH" ГАЗЕТАСИ ҲАР КУНИ 800 МИНГ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.



"FINANCIAL TIMES" ИШБИЛАРМОНЛАР ГАЗЕТАСИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ДУНЁНИНГ 24 ШАҲРИДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ГАЗЕТАНИНГ УМУМИЙ ТИРАЖИ 450 МИНГ НУСХАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.



ФРАНЦИЯНИНГ "LE FIGARO" НОМЛИ ГАЗЕТАСИ ҲАР КУНИ 350 МИНГ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.



Раҳим ХАКИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети ректори,
юридик фанлар доктори,
профессор:

ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ БЕКОР БЎЛДИ

Андижон шаҳар адлия бўлими томонидан жорий йилнинг 5 октябрида ижтимоий тармоқлардаги "Андижон шаҳар ҳокимлиги чиқараётган қарорлар қанчалик қонуний?" номли мақола ўрганиб чиқилди.

Мақолада Андижон шаҳар ҳокимининг 2020 йил 11 сентябрдаги қарори билан Андижон шаҳар 2-тор Х.Ниёзий кўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро Мансурбек Рўзиевга 6-тор Х.Ниёзий кўчаси 14-майдон 200,0 кв.метрдан иборат ер майдони яқка тартибда уй-жой қуриш учун амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда ажратиб берилганлиги баён этилган эди.

Аниқланишича, Андижон шаҳар ҳокими қарорига кўра, мазкур ер майдони яқка тартибда уй-жой қуриш учун аукционсиз ажратиб берилган. Ушбу ҳолат бўйича шаҳар ҳокимининг мазкур қарорига нисбатан протест келтириш учун Андижон шаҳар прокуратурасига таклиф киритилди.

Андижон шаҳар прокуратураси томонидан адлия бўлими таклифи кўриб чиқилиб, ҳокимликка протест киритилди. Бундан ташқари, Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан шаҳар ҳокими номига юқоридаги қарорни бекор қилишни сўраб тақдимнома киритилди.

Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси ҳамда шаҳар прокурорининг протести асосида 2020 йил 19 октябрдаги ҳамда 2020 йил 11 сентябрдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлар бекор қилинди.

Андижон шаҳар адлия бўлими

МАЪНАВИЯТИМИЗ ЗҲТИЁЖИ

Кейинги йилларда босма нашрларга эҳтиёж мажбурий обуна баҳонасида ачинарли даражада сустлашиб, энди газета ва журналлар ўрнини электрон нашрлар эгаллайди, жонли мутолаа керак эмас, деган турли гап-сўзлар, нотўғри қарашлар пайдо бўлган эди. Натижада, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар онгини ҳар томонлама саводсиз, ноҳолис ва маънавий-ахлоқий қарашларимизга буткул ёт бўлган ахборотлар эгаллай бошлади.

Шукрки, бугунги кунда Президентимиз томонидан газета ва журналларнинг инсон тафаккури ва тараққиётида тугган ўрнига қаратилган эътибор сабаб, бу иллатларга барҳам бериш пайти келди.

Биз Тошкент давлат юридик университетининг ректори, юридик фанлар доктори, профессор Раҳим Ҳақимовнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

2-БЕТ

Дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япония. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

“ШУНДАЙ АЯНЧЛИ АЙРИМ РАҲБАРЛАР ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИГИ

...Афсуски, биз кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Албатта, бу бировларга ёқмайди. Халқ таълими вазири бизда замонавий, мен кўп эшитяпман мулоқотларда: “ахборот технологиялари бор, журнал ҳам керак эмас, гезата ҳам керак эмас”. Бу нотўғри йўналиш. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Компьютернинг ҳам ўз ўрни бор, журналнинг ҳам ўрни бор, газетанинг ҳам ўрни бор. Бошқача йўлни тутиш ҳозирча мумкин эмас. Биз бунга тайёр эмасмиз...

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

Давоми. Бошланиши 1-бетда

БОСМА НАШРЛАР

замон талаби ва маънавиятимиз эҳтиёжи

— Президентимизнинг жорий йил “Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда “Шундай аянчли холга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолди. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳамма нарса бор деб. Йўқ, газетани ҳам, журналларни ҳам ўқиш керак, бу замон талаби...”, деган сўзларига қандай муносабат билдирасиз?

— Ўйлаб кўринг, ўқитувчи ёки раҳбарнинг ўзи адабиёт, газета ва журналларга ошно бўлмаса, у қандай қилиб ўз ўқувчиси ёки ходимини мутолаага ундаши мумкин? Ахир бунинг учун уларнинг ўзи ибрат бўлиши керак эмасми?

Мактабда ўқиган кезларимизда дарс аввалида ўқитувчиларимиз “Газеталар шарҳи”ни ўтказар эди. Бу орқали барчамиз янгиликлардан бохабар бўлиб, янги билимларни эгаллардик.

Энди юқоридоғи фикрларга қайтадиган бўлсак, дарҳақиқат, газетани ҳам, журнални ҳам ўқиш бу замон талаби. Чунки босма нашрлар инсонларнинг дунёқарашини ривожлантириб, уларда фикрлаш, мулоҳаза ва таҳлил қилиш хусусиятларини шакллантиради. Босма нашрлар орқали ўқувчилар жамият ва давлат ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англайди. Газета ва журналлар бугунги кундаги вазиятни яққол кузатиш, эртанги кун ҳақида тасаввур ҳосил қилишда яқиндан кўмак беради. Интернет нашрлари, электрон оммавий ахборот воситаларидаги мақола ва хабарлар вақт ўтган сайин ўчирилиши мумкин, бироқ газета худди қайднома дафтаридек бир умр туради. Уни исталган пайтда очиб, ўзингиз излаган маълумотни топишингиз мумкин.

— Давлатимиз раҳбари ўқитувчилар ўз соҳасини мукамал билиб, иш фаолиятини яхши олиб бориши учун босма нашрлар – газета ва жур-

налларнинг ўрни алоҳида эканини таъкидлади. ТДЮУ ўқитувчилари ўз соҳасининг нашри — “Инсон ва қонун” газетаси билан танишиб борадими?

— Албатта. Университетимиз ходимлари ва талабалари нафақат “Инсон ва қонун” балки, республикамиздаги барча ижтимоий-сиёсий нашрлар, интернет ОАВ билан доимо танишиб боради. Шунингдек, улар норматив ҳуқуқий ҳужжатлар муҳофазат портали — regulation.gov.uz даги ҳар ҳужжатнинг муҳофазатидан тортиб, унинг қабул қилинишигача бўлган жараёнда фаол иштирок этади.

Тил ва адабиёт — юристнинг тафаккур куролидир. Тил софлигини сақлаш, адабий тил қоидаларидан унумли фойдаланиш ва уларга риоя этиш, расмий нутқ услубларига амал қилиш барчамиз, айниқса, юридик соҳа вакиллари учун жуда муҳим. Бунда эса бизга газета ва журналлар катта ёрдам беради. Чунки улардаги мақола-ларда адабий тил қоидаларига тўлиқ риоя этилади, сўз юки ҳис қилинади, ҳар бир жумла устида ўнлаб инсонлар ишлайди. Шунинг учун ҳам босма нашрлар орқали нафақат тил софлиги сақланади, балки унинг қадри ҳам ошиб боради.

— Шунингдек, Президентимиз юқоридоғи нутқидан “Афсуски, биз кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик”, дея таъкидлади. Бу фикрлар бугунги кунда барча соҳаларга ҳам тегишли, шундай эмасми? Бу борада сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

— Президентимиз таъкидлаганларидек, мажбурий обуна деявериш, шу омилни баҳона қилиб, ихтиёрий обунадан ҳам айрилдик. Ўқувчилар обунани салбий тушунча сифатида қабул қила бошлади. Чунки кўплай интернет нашрлари ва электрон ОАВ бу ҳақда соатлаб, кунлаб бонг урди. Лекин бонг урдию, мажбурий обуна билан ихтиёрий обуна ўртасидаги фарқни тушунтиришни истамади.

Хўш, ўзи мажбурий обуна нима? Ўқитувчи ва мураббийларни “Маърифат”га, маънавиятчиларимизни “Тафаккур”га, солиқ органлари ходимларини “Солиқ-инфо”га, тиббиёт ходимларини “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”га, ёшларни “Ёшлар овози”, “Ёшлик” “Ёш куч”га, юридик соҳа ходимларини “Инсон ва қонун”, “Ҳуқуқ ва бурч”га обуна қилиш бу мажбурий обунами?! Бу рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин. Бироқ бугун баъзилар ўзларига тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари, уларга шарҳ ва муносабатлар бериладиган, соҳасига оид янгиликлар чоп этиладиган нашрга обуна бўлишни ҳам мажбурий обуна деб тушуниб қолди. Натижада улар ихтиёрий обунани ҳам хоҳламай қўйди. Бу эса ўз-ўзидан кўплай нашрларнинг фаолияти тўхташига сабаб бўлди.

Ушбу масалада газеталарнинг муассислари ҳам сусткашликка йўл қўйди. Чунки ҳар бир вазирлик ва идора ўзи муассис бўлган нашрга таркибидоғи ҳар бир тузилма обуна бўлишини таъминлаганда бу каби муаммо бўлмасди. Бу танганинг бир томони.

Иккинчи томондан обунанинг камайиб кетиши ёки бутунлай йўқолишида газеталарнинг ўзи ҳам “катта ҳисса” кўшди. Чунки сўнгги пайтларда аксарият босма нашрлар саҳифаларида долзарб ижтимоий масалалар, жамият ҳаётидаги муаммолар ёритилмай қўйди. Кўплай газета ва журналлар маиший муаммолар атрофида айланиб қолиб, ўзининг асл вазифасини унутди. Натижада уларнинг ўқувчилари камайди.

Бироқ бундан муаммо ясамасдан босма нашрларга янги ҳаво олиб кириш, уларни ривожлантиришда янги йўналиш ва услубларни амалиётга татиқ этиш лозим. Ана шунда уларнинг аудиторияси ҳам ўз-ўзидан яна кенгайиб, сўнгги йилларда юзага чиққан “мажбурий обуна” деган “ғоя” буткул йўқоларди.

“Инсон ва қонун” муҳбири Фарид Қорақулова сўхбатлашди.



Ўрол ОСТОНОВ,
Қашқадарё вилоят
адлия бошқармаси
бошлиғи:

ГАЗЕТА САВОДСИЗЛИКНИНГ ҲАМ ОЛДИНИ ОЛАДИ

ҲАР бир одам аввалдан ўзи хоҳлаган газета-журнални ўқиб, обуна бўляпти. Аммо қайсидир нашр мажбурият қўйилган одамнинг ўз ихтиёрига қўйиб берилганда, у ҳеч қайсисини танламади. Содда қилиб айтганда, ўқийдиган одамни мажбурият қўйиш шартмас, шундоқ ҳам ўқийверади. Ўқимайдиган одам эса: “Мана, телефон, янгиликларни шу ердан ҳам ўқиб олавераман”, дейди. Лекин газета ёки китоб ўқимаслик саводсизлик чоғи сари етаклашини бугун барчамиз англаб етишимиз керак. Ахир, интернет технологиялари ривожланган давлатларда ҳам газеталар миллионлаб нусхада чоп этила-япти-ку...

Дам олиш кунларининг бирида фарзандларим билан айлангани чиқдик. Аксарияти ёш-яланг. Ҳаманинг диққати қўлидаги телефонда, қулоғида эса қулоқчин. Кўзим 60 ёшдан ошган одамга тушди. Газета ўқиб кетаяпти. Илгари кўча-кўйда китоб ёки газета кўтариб, ўқиб кетаётган одамларни кўп учратганмиз. Энди эса бу ҳолатни камдан-кам кўраётганмиз. Тўғриси, интернет баҳонасида одамлар газетадан узоқлашди. Бунинг салбий оқибатлари анчагина. Мутолаа бизга бегона эмас. Бошқармамиз ҳукумат газеталарининг барчасига обуна бўлган. Эрталаб ишга кириб келишим заҳоти энг биринчи қиладиган ишим газеталарни кўздан кечириш.

Очиғи, ижтимоий тармоқлардаги имловий хато, бир ёқлама талқинларни, баъзида ноҳолис ёндошилган мақоаларни ўқиб, булар оммани чалғитаётгани, саводсизликка бошлаётганини англаймиз.

Мен барча ходимларимизни ўз соҳасининг нашри — “Инсон ва қонун” газетасига обуна бўлишга тарғиб қилаяпман. Бунинг нимаси мажбурий обуна?

Ҳар бир ходимимиз “Инсон ва қонун” билан танишиб боради!



Айбек МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи:

— КОМПЬЮТЕР технологиялари қанчалик муҳим бўлмасин, босма нашрларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Негаки, босма нашрлар асосли далилларга таяниши билан ажралиб туради. Бироқ бу ҳақиқатни ҳамма ҳам англамайди. Ўзбек матбуоти тиражнинг ачинарли аҳвола келиб қолишига асосий сабаб ҳам айнан одамларда ўқишга, мутолаага бўлган иштиёқнинг йўқолиб боришидир. Шунинг учун ҳам биз мактаб ўқувчиларига, ёшларга мутолаанинг ижобий томонларини, яъни мушоҳадага ундаш, саводхонликни оширишда асосий манба эканлигини англаштишимиз ва шу билан бирга ўзимиз ҳам бу борада бевосита намуна бўлишимиз лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, Юртбошимиз 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан хориж мамлакатлари ва Ўзбекистондаги босма нашрларга бўлган муносабатни таққослай туриб, қуйидагиларга бевосита тўхталиб ўтди: “Дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан

бири бу — Япония. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио, телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор”. Бундан кўри-ниб турибди-ки, босма нашрнинг тараққиёти мамлакат фуқароларининг газета ва журналларни

ўқишга бўлган муносабати ва эҳтиёжига бевосита боғлиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби буюк маърифатпарвар аждодларимизга газета ва журналларни халқ маънавияти ва маданиятини оширишда муҳим восита, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам жадидчилик ҳарака-

тининг сардафтери Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг маърифатпарварлик ғояларини “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журнали орқали тарғиб қилган. Мана шундай буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш учун ҳам мунтазам равишда босма нашрларни мутолаа қилишимиз зарур. Бошқарма-мизда ҳар бир ходим “Инсон ва қонун” билан танишиб боради.

ҲОЛГА КЕЛДИККИ, БИЛАН МАҚТАНАДИГАН БЎЛИБ ҚОЛДИ...”

Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолди. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳамма нарса бор деб. Йўқ, газетани ҳам, журналларни ҳам ўқиш керак, бу замон талаби...

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)



ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН ПРОФЕССИОНАЛ НАШРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

Анвар РАҲМАТОВ,
 Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази директори:

— БУГУН замон талаби ҳар бир ҳуқуқшунослардан, айниқса, малака оширишда таълим берувчи профессор-ўқитувчидан доимий равишда ҳуқуқий ҳамжамиятдаги янгиликлардан, муаммо ва ечимлардан хабардор бўлишни талаб этади.

Юристар малакасини ошириш марказида фаолият юритаётган барча ўқитувчилар илмий унвон ва илмий даражага эга ҳисобланади. Бу уларнинг босма нашрлар мутолаа қилиш борасида бой тажрибага эга эканлигини кўрсатади, албатта. Тўғри, бугунги кунда интернетдан, ижтимоий тармоқлардан маълумотларни олиш мумкин. Бироқ бу маълумотлар ҳар доим ҳам сараланган, асосли ва ҳақиқатга тўғри бўлмаслиги мумкин. Босма оммавий ахборот воситалари бу борада бошқа ахборот тарқатувчи манбалардан ўзининг

бой тажрибаси, салоҳиятли кадрлари ва “ўткир қалами” билан ажралиб туради. Биз соҳавий малака ошириш таълим муассасасида фаолият кўрсатамиз. Жумладан, юридик билим талаб этиладиган кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш зиммамизда турибди. “Инсон ва қонун” газетаси эса, айнан шу соҳадаги ахборотларни тезкорлик ва профессионал тарзда етказиши билан ўз ўрнига эга. Айниқса, бугун малака ошириш ҳуқуқий муаммолардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилишини инобатга олсак,

айни шу “Инсон ва қонун” газетасида бугун амалиётдаги муаммолар ёритилиб келинаётганлиги бизга зарур бўлган катта ахборот базасини тақдим этади. У ёки бу газетани ўқишни ҳар бир ходимнинг ўзи ҳал қилади. Бироқ малака ошириш маркази профессор-ўқитувчилари нафақат “Инсон ва қонун” газетаси, балки ҳуқуқий мавзуларни ёритиб борувчи бошқа газеталар, шу жумладан, чет эл босма нашрларини мунтазам ўқиб боришига биз сўзсиз ишонамиз.



Салоҳиддин САТТАРОВ,
 Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:

ГАЗЕТА БИЛАН БИРГАМИЗ!

— МАЪЛУМКИ, ахборот технологиялари юксак таъриқий этиб, аҳоли интернетдан фаол фойдаланаётган давлатларда ҳам миллионлаб нусхада газета-журналлар чоп этилмоқда.

Босма нашрлар азалдан жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида инсонлар дунёқарашини шакллантиришда ҳамда ишончли ахборотларни етказишдаги давлат ва жамият ўртасида мулоқот ўрнатувчи муҳим восита сифатида эътироф этиб келинган.

Интернетнинг жадал ривожланиши натижасида кишиларда босма нашрларга эътибор камайган, деган фаразлар пайдо бўлмоқда.

Ваҳоланки, ахборот глобаллашуви даврида электрон (онлайн) нашрларнинг ғоявий таъсирларидан ўқувчиларни асраш, уларни тармоқлардаги фейк (ёлғон) янгиликлардан ҳимоялашда анъанавий босма нашрларнинг хусусан, газеталарнинг ўрни ҳар қачонгидан муҳимроқдир.

Шуни ҳам унутмайликки, ривожланган давлатлар аҳолиси, айниқса, зиёли қатлами ҳанузгача тонгда нонушта-ни газета мутолааси билан бошлайди.

Қолаверса, босма оммавий ахборот воситалари ижтимоий институт сифатида ҳокимият ва фуқаролар ўртасида боғловчи бўғин сифатида хизмат қилади. Бир томондан, босма нашр давлат ҳокимияти органлари учун фуқароларга қонунлар, фармонлар, қарорлар кўринишидаги бошқарув ахборотини етказиш учун жамиятни бошқаришнинг самарали воситасига айланади. Иккинчи томондан, фуқаролар босма оммавий ахборот воситаларидан ҳокимиятга — турли даражадаги давлат органларига ўз сўровлари ва талабларини, таклифлари ва уларнинг ишлари ҳақидаги фикрларини юбориш, давлатнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун фойдаланадилар. Шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари давлат тузилмаларининг омма учун очиқлигини — уларнинг барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотнинг эркинлигини таъминлайди.

Дарҳақиқат, босма нашрлар, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг газета ва журналлари таҳририятларининг молиявий ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларнинг таъминотини ушлаб туриш бўйича муассислар зарур даражада амалий ёрдам бериш, таҳририятларда фаолият юритаётган ходимларнинг меҳнатини қадрлаш, журналистларга меҳнатига яраша кафолатланган ойлик маошлари бериш ва уларни мақсадли сарфланишини назорат қилиш, даврий босма нашрларни янада оммалаштириш ва маълумот тарқатиш суръатини тезлаштириш эҳтиёжи юзага келмоқда. Шунга кўра, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда тарғибот олиб боришимиз учун кенг имкон берувчи “Инсон ва қонун” газетасини қўллаб-қувватлашимиз лозим.



Хайрулло САБИРОВ,
 Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:

БИЗ ЎЗ НАШРИМИЗ УЧУН ЖОН КЎЙДИРИШИМИЗ КЕРАК!

— ИНТЕРНЕТНИНГ оммавийлашгани ҳисобидан босма ОАВ ўқувчилари камайди, деган фикр ҳам у қадар тўғри эмас. Сабаби, “Интернет пайдо бўлиб, энди газета ўқимай қолдим”, деган инсонни кам учратдим. Шундайлар бўлса ҳам, энг аввало, ўзини ва касбини ҳурмат қилмайдиганлар, назаримда.

Чунки босма нашрларсиз ҳаётни тасаввур қилиш мушкул. Авваллари мактабда дарсни бошлашдан аввал “Маънавият соати” ўтказиларди. Унда, албатта, ўқитувчи газетада ҳафталик эълон қилинган хабарларни етказарди. Айниқса, ўқувчиларга вазифа қилиб топширилса ўқувчи қўлига олган хабарни ёдлаб чиқиш даражасигача етарди. Бу каби ҳолатлар ҳозир камайганлиги боисми, болаларда хабарни олиш ва ўрганиш кўникмаси яна шу интернетга бориб тақалади.

Иш фаолиятимиздан яхши биламизки, қайси ҳудудда қандай сайёр қабуллар ўтказмайлик, аксарияти мурожаатлар ва фуқароларнинг муаммоли масалаларига боғлиқ бўлади. Ана шундай

вақтда ёши катта отахонларимиз ўзлари билан қачондир чоп этилган ва рангини олдириб қўйган газетани олволишади. Ва ўша вақтдан сақлаб келаётган газетада фармон ёки қарор, бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжат нусхаси борлигини кўрсатишади. Бундан кўринадики, улар газетани мутолаа қилиш баробарида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини шу далил орқали ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар.

Чунки инсон кунлик ҳаёти давомида турли хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга рўбарў келади. Бунда ҳуқуқий газеталарнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Шу ўринда бизнинг вазирлигимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган му-

ассаса “Инсон ва қонун” газетаси 1995 йилдан ўз фаолиятини бошлаб шу вақт оралайида улар томонидан тайёрланаётган таҳлилий ва ҳуқуқий материаллар, ҳудудий адлия идоралари фаолияти билан боғлиқ янгилик ва маълумотлар, вазирлик тизимидаги ўзгаришлар барча-барчаси мутолаа қилувчилар учун қизиқ.

Шундай экан, биз ўз муассасамиз ва унинг кейинги тақдири учун жон кўйдиришимиз лозим. Чунки жамиятда матбуотнинг ўрни ҳеч қачон йўқолмайди, аксинча, янги рақобатда у янада тобланиб, ўзининг янги қирраларини очиб, умрбоқийлигини сақлаб қолади.

Тошкент
шаҳри

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаро Б.Б.нинг ишдан бўшатилганлигидан норози бўлиб “pt.gov.uz” сайти орқали Адлия вазирлигига йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

ДИРЕКТОРНИНГ БУЙРУҒИ БЕКОР ҚИЛИНДИ



Маълум бўлишича, мактаб директорининг 2020 йил 3 августдаги буйруғига мувофиқ Б.Б. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисми, 3-бандига асосан бекор қилинган.

Фуқаро билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаган.

Жумладан, мактабнинг 2020 йил 10 сентябрдаги маълумоти асосан фуқаро Б.Б.га нисбатан меҳнат шартномаси бекор қилинганга қадар 1 йил мобайнида интизомий жазо чораси қўлланилмаган.

Ҳолбуки, ходимга бир йил давомида интизомий жазо чораси қўлланилмаган бўлса, у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексига асосан бекор қилиш мумкин эмас.

Шунингдек, Меҳнат кодексига асосан меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлайди.

Аммо фуқаро Б.Б.га компенсация тўланмаган.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосан корона-вирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар,

ҳомийлар) бўлган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

Фуқаро Б.Б.нинг 2015 йил 2 майда туғилган вояга етмаган фарзанди борлиги ва турмуш ўртоғи уй бекаси бўлиб, оилада ўзи ёлғиз боқувчи эканлиги маълум бўлди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан киритилган тақдимномага асосан фуқаро Б.Б. аввалги лавозимига тикланди. Мажбурий прогул кунлари учун унга ўртача иш ҳақи тўлаб берилди.

Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мактаб масъули И.Ж.га нисбатан “ҳайфсан” интизомий жазоси қўлланилди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия
бошқармаси масъул
ходими

Навоий
вилояти

АҚШДА ЙЎҚОЛГАН ГУВОҲНОМА ИШОНЧНОМА ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТИКЛАНДИ

Конимех туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини Бобур кўчасида яшовчи фуқаро Гулнур Сержанованинг мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Мурожаатда фуқаро Г.Сержанова 1988 йил 17 августда Конимех туманида туғилган, кейинчалик Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган, бугунги кунда Америка Қўшма Штатларида яшаётган қариндоши Жанар Абилова ўзига тегишли бўлган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйганлиги сабабли жорий йилнинг 2020 йил 7 августда унга ишончнома юборганлигини, ушбу ишончнома орқали Ж.Абилованинг йўқолган гувоҳномаси дубликатини олиб, унга юбориши зарурлигини билдирган.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида фуқаро қўлида қонуний ҳужжат — ишончли ишончнома бўлишига қарамасдан, туман ФХДЁ бўлимига қатнаб анча овора бўлганлигини ҳам маълум қилган ва ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраган.

Мурожаатдаги ҳолатларни бартараф қилиш юзасидан туман ФХДЁ бўлимига туман адлия бўлими томонидан хат чиқарилиб, фуқаронинг мурожаати тўлиқ қаноатлантирилди.

Элбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Конимех туман адлия бўлими бошлиғи

Қашқадарё
вилояти

Меҳнат дафтарчасидаги 5 йиллик иш стажини нега инобатга олинмади?

НОДИРА Турсунова Шаҳрисабз шаҳар адлия бўлимига шаҳар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимининг қароридан норози бўлиб мурожаат қилди.

Бўлим томонидан Н.Турсунованинг мурожаати атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, мурожаатчининг беш йиллик иш стажини ҳисобланмай қолган. Н.Турсунованинг меҳнат дафтарчасини текшириш орқали 2002 йилдан 2007 йилгача у собиқ “Зийнат” ЛТД МЧЖда ишчи бўлиб ишлаб келганлиги, аммо бу давр пенсия ҳисоблашда инобатга олинмагани маълум бўлди.

Шаҳрисабз шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг 2020 йил 4 сентябрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ва бекор қилишни, 2002-2007 йиллар оралиғидаги иш стажини инобатга олишни сўраб Маъмурий ишлар бўйича Шаҳрисабз шаҳар судига даъво ариза киритилди. Суд томонидан фуқаронинг 5 йил ишлаган даврини пенсия стажига ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

О.УМАРОВ,
Шаҳрисабз шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Наманган
вилояти

ТЎРАҚЎРҒОН тумани Янгиобод маҳалласида яшовчи фуқаро Маҳбуба Аҳмадалиева тадбиркорлик учун ишлатаётган нотураржойи давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиб, тегишли тартибда баҳоланган бўлса-да, компенсация тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.



Тўрақўрғон ҳокимлигидан 3 йил деганда компенсация ундирилди

Ўрганиш жараёнида туман ҳокимининг 2017 йил 11 мартдаги қарорига асосан тумандаги Янгиобод маҳалласида жойлашган М.Аҳмадалиевага тегишли бўлган умумий майдони 0,0076 га бўлган нотураржой бузилиши белгиланганлиги маълум бўлди.

Тадбиркорга тегишли мазкур нотураржой учун Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси Наманган вилоят Тўрақўрғон туман филиали томонидан 2005 йил 23 августда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандида уйлар (квартиралар), иморатлар ва иншоотларни, шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкаларидаги кўп йиллик дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. М.Аҳмадалиеванинг аризасига асосан бино “BEKZOD EXPERT” МЧЖ томонидан 2017 йил 14 апрель ҳолатига 89.100.000 сўмга баҳоланган бўлса-да, компенсация маблағлари ҳазирги кунга қадар фуқарога тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига. М.Аҳмадалиева манфаатида жавобгар Тўрақўрғон туман ҳокимлигига нисбатан етказилган зарарни компенсация тарзида ундириш ҳақида киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, унга туман ҳокимлиги томонидан 89.100.000 сўм ундириш белгиланди. М.Аҳмадалиева 3 йиллик муаммоси ҳал этилганлиги учун адлия идорасига миннатдорлик билдирди.

Фароғат РАЗЗОҚОВА,
Тўрақўрғон тумани адлия бўлими бошлиғи

Андижон
вилояти

ХИЗМАТИ ЁҚДИ, НАРХИ ЧАҚДИМИ?

ТАДБИРКОР Фаррухбек “Андижон нефть база” МЧЖ Шаҳрихон филиалига 47 815 500 сўмлик кузатув камераларини ўрнатиб беради. Аммо кўрсатилган хизмат учун жамият томонидан турли баҳоналар билан иш ҳақи тўлаб берилмайди. Натижада, тадбиркор ушбу масалага ҳуқуқий ечим топиш мақсадида Андижон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилади.

Адлия бўлимининг ўрганишида тадбиркор ва “Андижон нефть база” ўртасида имзоланган шартнома шартларига кўра, тадбиркор томонидан ишлар тўлиқ бажарилган бўлса-да, буюртмачи томон кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаб бермаганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг ЯТТ Мансуров Фаррух Жамшид ўғлига кўрсатган хизмати учун қарздорликни тўлаб беришини сўраб, “Андижон нефть база” МЧЖга тақдимнома киритилди ва тадбиркорга юқорида кўрсатилган сумма тўлиқ ундириб берилди.

Озодбек ҒОҒУРОВ,
Андижон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ОИЛАВИЙ зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқлари — ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, эркинлигига дахл қилади. Зўравонлик фақат жисмоний куч ишлатиши билан эмас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва маънавий босим кўринишларида намоён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланиши мумкин. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар ҳам зўравонлик сифатида баҳоланади.

ҲИМОЯ ОРДЕРИ зўравонликдан ҳимоялайдими?

Қонун фуқароларни зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоялайди. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низом ана шулардан саналади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат сифатида таърифланган ҳимоя ордери бугунги жамиятдаги баъзи инсонларнинг ҳаракатлари учун муносиб жавобдир.

Айни кунда бу каби ордерлар:

- тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
- жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;
- тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
- давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар орқали аниқланган ҳолатларда тазйиқ ва зўравонликка учраганларга берилиши йўлга қўйилган.



Хотин-қизлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлиги тўғрисида ички ишлар органларига мурожаат қилиши ёки бошқа шахслар томонидан бу тўғрисида хабар берилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам келиб тушган, берилган хабарлар ёки аниқланган ҳолатлар юзасидан ички ишлар органлари ёки профилактика инспекторлари томонидан мурожаатлар 24 соат мобайнида ўрганиб чиқилади ҳамда ўрганиш натижасига кўра қарор қабул қилинади.

Профилактика ходимлари тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан ҳамда ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ва унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради.

Зўравонлик ҳолатларини асосан ишсиз, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи, аввал жазони ижро этиш муассасасида бўлган ёки руҳий аҳволида бузилишлари бўлган фуқаролар томонидан аёлларига, қизларига, ҳатто оналарига нисбатан ҳам кузатиш мумкин.

— Пойтахт ва туманларда аёллар дуч келган зўравонликнинг 40 фоизи эркаклар ҳиссасига тўғри келади. Бундай ҳолатларнинг 60 фоизи эса жабр кўрганларнинг қайноналари ва қариндошлари сабаб юзага келади, — дейди Тошкент шаҳрида Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази директори Гулчехра Маткаримова.

Жаҳон миқёсидаги статистика ва умумий тенденцияларга назар ташласангиз, оилавий зўравонликдан асосан аёллар ва болалар жабр кўраётгани маълум бўлади. Лекин бу мутлақ характерга эга эмас, яъни оилада эркак кишининг ҳам аёли ёки ота-онанинг фарзандлар ёхуд бошқа оила аъзолари томонидан руҳий босим остида яшаб келиши кузатилади. Бу ҳам оилавий зўравонликнинг бир кўриниши саналади.

Оилавий зўравонликнинг энг оғир оқибатларидан яна бири фарзандлар руҳий ҳолати ва ахлоқига етказиладиган жиддий зарардир. Кўпинча, болаларнинг ўзи ҳам оилавий зўравонлик қурбони бўлади. Кичик ёшдаги болаларда оилавий-маънавий зўравонлик оқибатлари турли касалликлар шаклида намоён бўлса, ўсмир ёшдагилар орасида бу суицид ҳолатларига олиб келиши ҳам кузатилади.

Бундан ташқари, таранг муносабатлар, нотинчлик, беқарорлик, мунтазам ҳавотир ва кўрқув туйғуси туфайли болалар тарбиясида ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бу эса келажақда салбий оқибатларга олиб келади.

Мохира АЛИБОЕВА,

“Мадад” ННТ Зангиота туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси

МАРКАЗ МУАММОЛАРНИ қандай ҳал қиляпти?

Ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш янгилаётган Ўзбекистонда барпо этилаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Юртимизда суд-ҳуқуқ тизими тобора такомиллаштирилмоқда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида тарихий қадамлар ташланмоқда.

Бунини Инсон ҳуқуқлари миллий марказига мурожаат қилиб, адолат қарор топишига эришаётган фуқаролар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшовчи “Мухаммад-Сухроб-Сурхон” фермер хўжалиги раҳбари О.Тоғаев марказга мурожаатида фермер хўжалиги ва ўзига нисбатан маъмурий суд томонидан чиқарилган қарорлардан норози эканлигини баён этган эди.

Марказнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими масъул ходимлари фуқаро О.Тоғаевнинг иши бўйича тегишли ҳужжатлар ва материаллар ўрганилиши натижасида Жарқўрғон туман маъмурий суди, шунингдек, Сурхондарё вилояти маъмурий судининг апелляция инстанциясининг қонунга хилоф равишда қабул қилинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Улар фуқаро О.Тоғаевнинг иши бўйича “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни талабларига биноан назорат тартибида протест келтириш тўғрисида Бош прокуратурага ўз таклифларини киритишди.

Бош прокуратура ушбу иш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳар икки суд қарорларининг ноқонуний-

лигини аниқлаб, уларни бекор қилиш тўғрисида Олий судга назорат тартибида протест киритди.

Натижада ушбу иш Олий судда видеоконференция алоқаси тартибида кўриб чиқилиб, маъмурий иш юзасидан Жарқўрғон туман маъмурий суди, шунингдек, Сурхондарё вилояти маъмурий судининг апелляция инстанцияси томонидан қабул қилинган қарорлари бекор қилинди. Олий суднинг янги қарори бўйича Жарқўрғон туманида яшовчи “Мухаммад-Сухроб-Сурхон” фермер хўжалиги ва унинг раҳбари О.Тоғаевнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Тошкент шаҳар, Олмазор туманида яшовчи Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси Радион Кашаев ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг веб-сайти орқали ўзига оид маъмурий иш бўйича амалий ёрдам сўраб ариза билан мурожаат қилган эди.

Радион Кашаев жароҳат олганлиги туфайли ҳаракатланишда қийналиши, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун ўзи билан бирга ёрдамчисини автомашинасида олиб юрган вақтида унга нисбатан маъмурий баённома тузилганлигини билдирган. У оилавий шароити

оғирлиги, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси бўлганлиги ҳамда қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳолат бўйича ўзига белгиланган жаримани бекор қилишни сўраган.

Марказнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими масъул ходимлари бу фуқаронинг мурожаатини ҳам ижобий ҳал қилишга эришдилар. Улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонун талабларига биноан назорат тартибида кўриб чиқиш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига таклиф киритишди.

Тошкент шаҳар прокуратураси қонун талаблари бузилганлигини ҳамда фуқаро Радион Кашаев мурожаатида баён қилинган ҳолатларни инобатга олган ҳолда унга нисбатан 4.460.000 сўм миқдорида маъмурий жаримага тортиш ҳақидаги қарорни бекор қилди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали бош муҳаррирининг ўринбосари

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЎЗЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ИСМДАН УЯЛМАСЛИГИ КЕРАК

ТИЛ — миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси, улкан бойлиги сифатида ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим аҳамият касб этади. У миллат борлигини, бирлигини, борлигини кўрсатади.

Ҳазрат Алишер Навоий “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин”, деб эътироф этган бўлса, улуғ бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб “Одобнинг боши тилдир”, деб таъкидлайди.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида босиб ўтган йўли, тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ва санъати, маънавияти она тилида ўзининг яққол ифодасини топган бўлади. Шу боис уни кўнгил мулкининг бебаҳо гавҳари, деб авайлайдилар.

Хўш, биз ўз она тилимизни асраб-авайла-япмизми? Унинг софлиги, қадри, обрўси учун курашмаяпмизми? Саволлар кўп. Аммо жавоб беришга бироз қийналамиз. Биз она тилимизга бўлган ҳурматни, Ватанга бўлган муҳаббатимизни амалий фаолиятимизда намоиш этишимиз лозим. Она тилига бўлган муҳаббатимизни оиламиздан, фарзандларимизга ўзбекона исм қўйишдан бошлашимиз керак.

Фарзандларга чиройли исм қўйиш ҳам ота-онанинг бурчларидан ҳисобланиб, бунинг ортидан катта савоб ва ажр келар экан. Шунинг учун ота-оналар ушбу ҳақни ҳам ўз вақтида ва чиройли бажариши керак. Фарзандига қўйиладиган исм куни келганда уни ноқулай аҳволга соладиган, одамлар ўша исм билан уни калака қилиб масҳара қиладиган, ҳар сафар ўз исмини эшитганида азият чекадиган бўлмаслиги лозим.

Фарзандимиз ақлини таниб, кўп савоб берадиган ёшга етганда биздан ўзининг исми, уни ким қўйганлиги, унинг маъноси нималиги, нега ундай исм қўйилгани ҳақида турли саволлар бериб бошимизни қотириши турган гап. Агар унга чиройли исм қўйган бўлсак, қийналмасдан, саволларига тўлиқ жавоб бера оламиз. Борди-ю, унга ёқимсиз, ҳунук, маъноси йўқ ёки хорижлик инсоннинг исмини қўйган бўлсак-чи?

Бир вақтлар ёш оилаларда дунёга келаётган фарзандларга замонавий исмлар, янаям очикроқ қилиб айтганда кино актёрлари ва машҳур инсонлар, футболчиларнинг исмини қўйиш ҳам ўзига хос “урф”га айланганди. Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик сабаб бундай нохуш анъаналар бугун анча камайди.

Бўка тумани маҳаллаларида ҳавас қилиб қўйилган Рам, Шам, Лакшман, Жими исмили фуқаролар бор. Уларнинг фарзандлари бугун орамизда Жими ўғли, Рам қизи бўлиб юрибди. Бу ерда она тилига паст назар билан қараш бор. Шу Ватанда яшаб, шу юртга дахлдорлик ҳиссини чуқур англашимиз керак. Она тили, миллатгагина эмас, шу заминга, она тупроққа дахлдорликни ҳам белгилайди.

Яқинда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун Миллиарддер исмли ота келди. Гувоҳноманинг отаси, деган устунига ўз исмини қўйишдан уялишини айтди. Сабаби, исми Миллиарддер бўлса-да, ўзи мардикор бозорида тирикчилик қилар экан.

Яна бир ота ўғил фарзандлик бўлиб, ФХДЁ бўлимимизга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун маст ҳолатда келиб, ўғлига Роналдо, деб исм қўйишини айтиб жанжал кўтарди. Биз унга тўғри тушунча бериб, эрта куни хушёр ҳолатда келиб, гувоҳномага яхшиям Роналдо деб ёзиб бермаганимиз учун миннатдорлик билдирди. Фарзандига Муслимбек, деб чиройли исм қўйди.

Тил — Ватан ва миллат тимсоли. Ўз она тилида сўзлашиш инсонга нақадар бахт, ғурур бахш этади. Агар биз ўзбек тилига бўлган ҳурматни ўзимизда шакллантирсак, тилимизнинг нақадар гўзаллигидан ҳайратлана билсак, унда бизни қуршаб турган дунё ўзининг гўзалликларини очади.

Махлиё УСМОНОВА,

Бўка тумани ФХДЁ бўлими мудираси

МАҚОЛА сарлавҳасини ўқиб, ўзи бир оддий сержант бўлса, нега порахўр бўлади, ахир, оддий милиция сержантига ким ҳам пора берарди, деган савол тугилиши табиий. Тўғри, лекин тергов органи ва суд хоҳласа оддий сержант ҳам порахўр бўлиши, ҳатто узок муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин экан.

ПОРА ОЛДИ, ДЕБ ТУХМАТ ҚИЛДИ



ёки ОҚЛАНГАН СЕРЖАНТ нега сарсон-саргардон?!

Келинг, тафсилотни бир бошидан баён қилсак:

Милицияда турли тармоқ, соҳа ва йўналишлар кўп. Ана шулардан бири Ички ишлар вазирлигига қарашли транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси. Мақоламиз қаҳрамони — 1979 йилда туғилган, Термиз шаҳрида яшовчи Икром Ражабов ҳам бу бошқармада 16 йил ишлади. У ИИБ Республика темир йўлларида нефть маҳсулотлари ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони Қарши темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича еттинчи отряд милиционери сифатида фаолият юритади. Нима иш қилади дейсизми? Жуда оддий иш. Қашқадарё вилояти марказидаги Қарши темир йўл бекатидан бензин, дизель ёнилғиси ва ҳоказо нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиб, қўшни Сурхондарё вилояти нефтьбазаларига етказиш, яъни қурилган билан қўриқлаб бориб, эгаларига қўш-қўллаб топшириш унинг зиммасида.

Албатта, нефтьбаза ходимлари, аввало вагонларга урилган пломбаларни кўриб шикаст етказилмагани, юк хатида кўрсатилган маҳсулотлар камаймасдан етиб келганлигига ишонч ҳосил қилгач “қабул қилинди”, деб имзо ва муҳр қўйиб беришади. Шундан кейин Икромбой ишни тугатиб, уйига жўнайдди. Эртасига иш жойига келиб юк хатини топширади ва яна шу бир маромдаги хизмат давом этаверади. Оддий бўлса ҳам, ўз ишидан кўнгли тўқ эди.

Тўғри, лекин ана шу оддий милиционерни бир пасда мансабдор шахсга айлантиришди ва у Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми, “а” банди, яъни жуда кўп миқдорда пора олишда айбланган, Сурхондарё вилоят МХХ (ҳозирги ДХХ) терговчиси У.Бердимуродов томонидан 2017 йил 13 март куни қамоққа олинди.

Эҳтимол, тергов органи адашган бўлса айблов хулосасини тасдиқлаган вилоят прокурори ёки суд бу хатони тўғирлагандир, деб

ўйлаётгандирсиз. Афсуски, йўл қўйилган хатони тўғирлаш у ёқда турсин, прокурор И.Ражабовга жазо беришни сўради.

КУТИЛМАГАН ЗАРБА...

Шеробод туман суди судьяси З.Нарзиев бошчилигидаги суд ҳайъати эса И.Ражабовни юқоридаги модда билан айбдор, деб топиб 2017 йил 23 августдаги ҳукми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Суд ҳукмига кўра, И.Ражабовга нефть маҳсулотларини жойлардан “Термиз нефть база” унитар корхонаси ва унга қарашли “Жарқўрғон” ва “Болдир” филиалларига хавфсиз ва тўқилмас ўз вақтида етказиб бериш эвазига нефтьбазада ишловчи бош оператор, фактура расмийлаштирувчи, директорлардан жами бўлиб 76 650 000 сўм пул ва 4 500 АҚШ долларини пора тариқасида олган, деган айблар “ёпиштирилди”.

Албатта, И.Ражабов бу ҳукмдан норози бўлиб шикоят ёзди, аммо фойдаси бўлмади. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанцияси ҳукмини ўз кучида қолдирди, дарвоқе, амнистия актига асосан жазодан 2 йилни олиб ташлади. Бироқ собиқ милиция сержантининг 10 йил “порахўр” тамғаси остида қамоқда ўтириши, албатта, оғир эди. Шунинг учун у шикоят беришда давом этди ва ниҳоят...

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни кўриб чиқиб, 2019 йил 21 октябрда суд ҳукмини бекор қилиб, қайтадан апелляция инстанциясида кўришга юборди.

Энди мазкур жиноят иши Қашқадарё вилоят судида кўриладиган бўлди. Дастлабки тергов ва судда пора бердик, деб кўрсатма берган бош оператор Ў.Холияров, фактура расмийлаштирувчи Б.Раҳматов, директор А.Мамадаминов ва бошқалар кўрсатмалари нотўғри эканлиги, И.Ражабовга бир сўм ҳам пора бермаганлигини тани олишди. Уларга нега аввалги тергов ва судда пул бердик, деб ёлғон кўрсатма бергансизлар, деган саволимизга, уларнинг барчаси

нима қилайлик, МХХ терговчиси бизни шундай дейишга мажбур қилди, дея жавоб беришди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 6 мартдаги ажрими билан И.Ражабов айбсиз, деб топилиб оқланди ва у қамоқдан озод қилинди. Шундай қилиб оддий сержант И.Ражабов айбсиз айбдор бўлиб салкам 3 йил қамоқда ўтирди. Бу орада милиционер ўғли билан фахрланиб юрган отаси ўғлининг озодликдан маҳрум қилинганлигини кўтара олмай, бу дунёни тарк этди.

Ҳа, мана ниҳоят, оқланди, ҳақиқат қарор топибди-ку, деб ёнғил нафас олишингиз ва И.Ражабов аллақачон ишига ҳам тикланиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ҳам ундириб олгандир, деб ўйлаётган бўлишингиз аниқ.

Минг афсуски, йўқ, на унисидан, на бунисидан дарак бор. У идорадан, бу идорага ариза ёзиш, улардан жавоб кутиш билан оворамиз. Аввал Ички ишлар вазирига ариза билан мурожаат қилиб, ишга тиклашни, мажбурий прогул даврини иш стажга қўшишни, ололмаган иш ҳақини ҳам тўлаб беришни илтимос қилдик. Афсуски, чучварани хом санаган эканмиз.

Энг ажабланирлиси, шикоят аризани кўриб чиқиш учун И.Ражабовни ишдан бўшатган транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси бошлиғи Р.Тошпўлатовга юборилди. Р.Тошпўлатов 2020 йил 6 майдаги ўз жавоб хатида И.Ражабовни ички ишлар органлари хизматида қайта тиклаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинмаганлигини билдирди. Нима учун дейсизми? Бошқарма бошлиғининг хатидаги ўша жумлаларни айнан ҳукмингизга ҳавола қилмоқчимиз:

“...юқорида кўрсатиб ўтилган жиноятни содир этмаган бўлса-да, ушбу хатти-ҳаракатлари билан ички ишлар органлари ходими шаънига путур етказувчи ҳаракатларни содир этиб, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ноўрин фикрлар пайдо бўлишига сабабчи бўлганлиги учун уни ички ишлар органлари хизматида қайта тиклаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинмаганлигини маълум қиламиз”.

Ажабо... милиция полковнигининг жавобидан шу нарса аниқландики, И.Ражабов жиноят содир этмаган бўлса-да, у барибир айбдор, чунки у ички ишлар органлари ходими шаънига путур етказган. Ўз-ўзидан савол тугилади? Ахир, унинг ҳаракатларида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмаган бўлса ва суд ажримидан бу ҳақда таъкидланган бўлса, яна қайси ҳаракатлари назарда тутиляпти экан?

Маълумки, Фуқаролик кодексига кўра, агарда ишга тиклаш рад қилинган бўлса, судга мурожаат этилади. Бунинг учун эса И.Ражабовни ишдан бўшатилиш ҳақидаги буйруқдан нусха ва унинг охириги пайтларда қанча иш ҳақи олганлиги ҳақидаги маълумотномани судга

тақдим қилиш зарурлиги учун адвокатлик сўровномаси жўнатилди ва Ички ишлар вазирлиги Транспортда ХТББ бошлиғи биринчи ўринбосари В.Хидиралиев имзоси билан жавоб хати олдик. Бу жавоб хати эса аввалгисидан ҳам антиқа бўлиб чиқди.

“... иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идоралари томонидан талабнома тақдим этилади... Сиз фаолият олиб бораётган “Процессуал кафолат” адвокатлик бюроси суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идоралари таркибига кирмаслиги (сабабли)... ўртача иш ҳақи тўғрисида маълумот беришининг имкони йўқлигини маълум қиламиз”.

Демак, бу маълумотларни олиш учун мен суриштирувчи, терговчи ёки судья бўлишим керак экан. Адвокатлик сўровноманинг тагида қавс ичида “Адвокатура тўғрисида”-ги қонуннинг 6-моддаси тартибида”, деб ёзган огоҳлантирув ёзувимни бошлиқ В.Хидиралиев ё ўқимаган ёки тушунмаган. Ахир, қонун талаби ҳамма органлар учун бир хил эканлиги ва унга буйсунишга барча мансабдорлар мажбур эканлиги, адвокат ҳам давлатимиз раҳбари имзолаган қонундан келиб чиқиб шу ҳужжатларни талаб қилаётганлигини тушунтиришга ҳожат бормикин? Юқоридаги икки бошлиқнинг жавобидан норози бўлиб, Тошкент шаҳар Миробод туман маъмурий судига ариза билан мурожаат қилдим.

Чунки “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 197¹- моддаси “Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўққинлик қилиш”, деб номланиб, унга кўра адвокат сўровига ахборотни (ҳужжатларни) тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик учун жавобгарлик белгиланган ва энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиши кўрсатилган. Аризага В.Хидиралиев ва Р.Тошпўлатовларнинг юқоридаги жавоб хатларидан кўчирмаларни ҳам илова қилдим ва энди сизлар билан судда учрашамиз, деб огоҳлантирдим.

Бир неча кун ўтгач нима муаммо, деган савол билан транспорт милициясидан қўнғироқ бошланди ва дарҳол И.Ражабовни ишдан бўшатилиш ҳақидаги буйруқ ҳам, унинг иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотномалар ҳам топилиб муҳрлар билан тасдиқланиб, менга юборилди ва уларни олган ёки олмаганлигини тўғрисида ташвишланиб қайта қўнғироқлар ҳам бўлди.

Ва ниҳоят фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, И.Ражабовни ишга тиклаш, хизмат унвонини қайтариш, мажбурий прогул даврини иш стажига қўшиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариб беришни сўрадик.

Вилоят судининг оқлов ҳукми бўлишига қарамасдан туман суди

даъво ни қаноатлантириш у ёқда турсин, ҳатто умуман кўрмасдан ҳам қайтариб юборганига нима дейсиз? Судья С.Абдурахмонованинг 2020 йил 10 июлдаги аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги ажримида “... Республика Бош прокурори, Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилишини инobatга олиб, унинг даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эмаслиги ҳақидаги фикрга келади”, дейилган ва “Раджабов Икром Мураталиевичга мазкур талаблар билан Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин”, деб кўрсатилган. Негадир судья бундай талаб билан ИИВга мурожаат қилганимиз ва рад жавобини олганимизга оид ҳужжатларни илова қилганимизга эътибор бермаган кўринади.

Хуллас, биз судьянинг бу ажримини “тушунмай” фуқаролик ишлари бўйича ажрим Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясига шикоят ёздик. Аммо ҳозирча жавоб йўқ...

Салкам уч йилга яқин ноҳақ “ўтирган” одамга маънавий зарар ҳам тўланиши кераклиги учун зарар миқдорини 200 миллион сўм, деб баҳоладик. Фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар суди томонидан бор-йўғи 30 миллион сўм ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Албатта, бу қарордан норози бўлиб апелляция шикояти берилди. Лекин ҳозирча бирор натижа йўқ. Эҳтимол, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди бу масалада олийжаноблик қилар...

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2020 йил 14 августдаги ажрими билан И.Ражабовга иш ҳақи учун 80 781 985 сўм ва юридик ёрдам кўрсатилиши учун 1 000 000 сўм жами 81 781 985 сўм тўлаб бериш тўғрисидаги ажрими ҳам ижросиз қолмоқда. Бу суммани тўлаб бериш юклатилган Сурхондарё вилоят молия бошқармаси аввалига тўлаб беришга рози бўлди ва шу пулни тўлаб бериш учун банкдан пластик карточка ҳам очди. Аммо бир неча кун олдин бунча пулни қаердан оламиз, биз суднинг бу ажрими устидан шикоят ёзамиз, деб улар ҳам ўз “хўнара”ларини кўрсатиб қолишди.

Яқинда Сурхондарё вилоят молия бошқармаси бошлиғи Б.Хурсановнинг шу йил 28 сентябрда имзолаган кассация шикояти билан танишдик, унда агар И.Ражабовга МХХ зарар етказган бўлса, уларнинг ўзи, яъни Сурхондарё вилоят Давлат хавфсизлик хизмати бу зарарни тўлаб берсин, деб кўрсатилган.

Бу таънада ҳам қандайдир мантиқ бордек.

Мана, салкам уч йил ноҳақ озодликдан маҳрум бўлган, олти ойдан буён фақат қоғозда оқланган бир инсонга “эътибор” туфайли на ишдан дарак бор, на пулдан. Фақат қоғозбозлик, отанга бор, онанга бор. Оила эса молиявий танг ҳолатда. Икром Ражабов ишга тикланишдан умидвор. Турмуш ўртоғи Бахтигул опанинг бозордаги картошка-пиёз савдоси ҳам пандемия шароитида аро йўлда қолди. Кекса қайнонанинг пенсиясига амаллаб кун кечириб туришган эди, афсуски, онахон ҳам оламдан ўтиб қолди. Кўпни кўрганлар “Қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор”, деб бекорга айтишмаган. Лекин нима бўлганда ҳам, айбсиз айбдорга ҳақини тўлашдан бош тортаётган Сурхондарё вилоят молия бошқармасидагиларга инсоф берсин, деймиз...

Мавзуга эса ҳали яна қайтамыз.

Сафар КАТТАБОЕВ,
Қарши шаҳридаги
“Protsexual kafolat” адвокатлик
бюроси адвокати

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ фаолиятининг илк кунларида имзолаган биринчи ҳужжатлардан бири — “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун эканлиги бежиз эмас. Коррупция ҳар қандай тараққиётнинг кушандаси, таъбир жоиз бўлса, “оёқдаги кишан” дир. “Коррупция” сўзи лотинча бўлиб, “емириш” маъносини билдиради. Бу иллат тарих учун янгилик эмас. Хитой файласуфи Конфуцийнинг “Қайси давлатни енгмоқчи бўлсангиз, у ерда порахўрликни кучайтиринг, бозорига сохта пул киритинг”, деган сўзлари бугун қанчалик ҳақиқат эканлиги кўриниб турибди.

КОРРУПЦИЯ

маънавий таназзул,

оёқдаги кишандир!



2017 йил 3 январда кучга кирган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга шундай таъриф берилган: “Коррупция — шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга зид равишда тақдим этишидир”.

Коррупция барча соҳаларни эгаллаб олганини тан олмай илож йўқ. Айниқса, таълимдаги коррупция жуда хавфли. Чунки ундан бутун жамият нафақат моддий, балки маънавий зиён кўради. Моддий зарарни қоплаш мумкин, аммо маънавий зиёни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Коррупция сабаб бўладиган маънавий зиённинг бир кўриниши шуки, унинг оқибатида фуқароларнинг давлат органлари ва давлат раҳбарларига нисбатан ишончига путур етади. Бу эса давлат ва жамият учун маънавий зиён — таназзул демекдир! Ҳар қандай фаолият эгаси теран ақл, кучли салоҳиятга, иқтидорга эга бўлса-ю, коррупциядан холи бўлмаса, унинг илдизига қурт тушган серҳосил даракдан фарқи қолмаслиги аниқ.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётидаги коррупцияни бартараф этиш мақсадида 30 га яқин қонун, 100 дан зиёд Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан парламент ва Президент ҳузурида ҳисоб берадиган Коррупцияга қарши курашувчи алоҳида орган ташкил этиш ҳам бу соҳада янги қадам бўлди. 2019 йил 9 декабрда Президентимизнинг “Бю-

рократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорнинг мазмун-моҳияти “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойилни янада мустақкамлаганлиги коррупцияга қарши кучли чорадир.

Коррупцион омилларнинг олдини олиш чоралари сифатида парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатишнинг янги тартиблари жорий этилиши, давлат хизматчиларининг маошлари оширилиши, уларнинг моддий рағбатлантирилиши, ижтимоий ҳимояси кучайтирилиши кабиларни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шунга қарамасдан афсуски, коррупциядан буткул халос бўла олмаямиз. Кўплаб соҳаларда, айниқса, ўрта таълимда “Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш”дек муҳим қоидага мутлақо амал қилинмаяпти. Ошна-оғайничилик, шахсий содиқлик сифатларига кўра нолойиқ, номутахассисларни моддий ёки номоддий наф эвазига ишга қабул қилиш оқибатида коррупция чуқур илдиз отмоқда.

Коррупцияга мурасасизлик руҳини яратиш унга қарши курашни турмуш тарзига айлантиришни тақозо этади. Коррупцияга мурасасизликни, аввало, ҳар бир оилада шакллантириш лозим.

Коррупцияга қарши курашнинг асосий принципларидан яна бири — жазонинг муқаррарлигидир. Жиноят ва жазо. Бу борада оммавий ахборот

воситаларининг ҳам роли катта. Коррупция нафақат давлат, жамият тараққиётига, балки ҳар бир фуқаро ҳаётига салбий таъсир этиши ҳақида таҳлилий материаллар, кўрсатувлар тайёрлаш ва шу асосда фуқаролар онгида коррупцияга мурасасизликни уйғотиш лозим. Чунки коррупционерларнинг қилмишларини бадий талқин этиш ҳам коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос куролдир.

Қўйи давлат органларида анархияга йўл қўймайдиган тарзда марказлашган бошқарувни чегаралаб, коллегиял бошқарув механизмлари жорий этилса, бу ҳам коррупцияга қарши чоралардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқ-тартибот органларининг тажрибали ходимлари, ҳаётий тажрибага эга нурунийлар иштирокида мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, ташкилот ва муассаса, маҳаллаларда коррупция ва унинг оқибатлари ҳақида суҳбатлар, тадбирлар ўтказилиши ҳам фуқароларнинг коррупцияга мурасасизлигини мустақкамлайди.

Қисқа қилиб айтганда, икки дунёда ҳам ҳалолликнинг мукофоти, ҳаромнинг эса жазоси бор! Ва бу мукофот ёки жазо бизга эмас, келажакдаги авлодларимизга қайтиши мумкинлигини уйлаб, хушёр бўлайлик.

Абдураим САТТОРОВ,
Ғиждувон туман халқ таълими бўлими юрисконсулти

ДАЪВОГАР “Сув таъминоти компанияси” давлат унитар корхонаси ҳудудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “N-K” хусусий корхонаси билан 2020 йил 30 апрелда тузилган шартнома ва қўшимча келишувни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

ТЕНДЕР ҒОЛИБИ СУДДА ҲАМ ҒОЛИБ БЎЛДИ

Мазкур даъво аризаси Кармана туманлараро иқтисодий судида кўрилиб, суд мажлисида даъвогар вакили ўзининг тендер комиссияси қарори билан 2020 йил 27 апрелдаги мажлис баённомаси бекор қилинганлиги, шу сабабли шартнома ҳақиқий эмаслигини билдириб, даъво қаноатлантириб беришни сўраган.

Жавобгар вакили эса, шартнома аслида тендер натижасида тузилган бўлиб, ҳақиқий эканлигини ва шартномавий муносабатларни давом эттиришни билдириб, даъво қаноатлантиришни рад этишни сўраган.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, 2020 йил Инвестиция дастурига киритилган сув таъминоти ва оқова сув объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун пудратчи ташкилотларини аниқлаш бўйича тузилган тендер комиссиясининг баённомаси билан Конимех туман “Тўққизтепа” ҚФЙ Момиқчи аҳоли пункти сув тизими объектини реконструкция қилиш учун “Nargiza-K” хусусий корхонаси тендер ғолиби, деб топилган.

Шунга кўра, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси ва “Nargiza-K” хусусий корхонаси ўртасида 2020 йил 30 апрелда шартнома ва қўшимча келишув тузилган. Шартномага асосан бажарувчи сув тизими объектини иш бошлангандан 170 кун ичида реконструкция қилиб, топшириши белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 379-моддасига асосан агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб аниқланмаса, у кимовиди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома кимовиди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилади. Ашёнинг мулкдори ёки мулк ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот кимовиди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 381-моддасига кўра, қонунда белгиланган қоидалар бўзиб ўтказилган кимовиди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Кимовиди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш кимовиди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

Олий ҳўжалик суди пленуми қарорининг 19-бандида Фуқаролик

кодексининг 381-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ, кимовиди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш кимовиди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади, деб кўрсатилган.

Судлар шунини инобатга олишлари лозимки, агар кимовиди савдосининг натижалари бўйича тузилган битимни савдо ўтказиш қоидалари бузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво берилган бўлиб, бироқ кимовиди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида талаб қўйилмаган бўлса, бундай даъво қаноатлантириш рад этилади. Кимовиди савдоси белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилган бўлса-да, аммо кимовиди савдосининг натижалари бўйича тузилган битим Фуқаролик кодексига назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Агар кимовиди савдосини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида талаб суд томонидан қаноатлантирилган бўлса, кейинчалик битимни ҳақиқий эмас, деб топилиши талаб этилмайди. Бу ҳолатда тарафларнинг ҳар бири битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд муҳокамаси пайтида кимовиди савдолари натижалари бўйича тузилган битимнинг Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги аниқланса, кимовиди савдолари ҳақиқий эмас, деб топилганидан қатъи назар, бундай битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари суд томонидан қўлланилиши мумкин.

Шундай экан, суд тарафлар ўртасида тузилган битимнинг шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига зид эмаслигини, яъни битимнинг мазмуни ушбу талабларга мувофиқ ва ўзига барча муҳим шартларни олиб, танлов ҳужжатларида акс эттирилган шартлар барчаси кўрсатилган ҳолда тузилган деб топиб, шунингдек, кимовиди савдоси тегишли тартибда бекор қилинмаганлиги ёки ҳақиқий эмас, деб топилмаганлигини инобатга олиб, “Сув таъминоти компанияси” давлат унитар корхонаси ҳудудий бошқармасининг юқоридаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этди.

Сабит ЖАКЕЕВ,
Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси

ЭЪЛОНЛАР

Китоб туманидаги “Ишончли ҳимоя адолат” адвокатлик бюроси адвокати Иноятов Изатулла Хикматович вафот этганлиги муносабати билан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган KS 000101-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Абдуллаев Дилшод Бекпулатовичга 2018 йил 24 декабрда берилган NA 000007-сонли адвокатлик фаолияти билан

шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Абдуллаев Хикматилло Жаннатуллаевичга бошқарма томонидан 2018 йил 24 декабрда берилган NA 000049-сонли, 2019 йил 19 февралда Обидов Шухрат Муҳаммаджон ўғлига берилган NA 000172-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақомлари тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2020 йил 8 октябрдаги буйруғига асосан адвокат Муродов Ҳақназар Хайриллоевичга бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН №000069-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №069, 25.12.2018 й.) унинг аризасига мувофиқ тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ “NIZAM U'STINLIGI” адвокатлар ҳайъати адвокати Утениязов Турдумурат Жумамуратовичнинг адвокатлик мақоми Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 16 октябрь кунги 260-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Шаджалилова Мастура Шаабдумулатовнага й.Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юрти томонидан 2004 йилда берилган 179968 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси Зангиота тумани ФХДБ бўлими мудираси Умида Ҳусановага отаси **Эминжон ЭГАМБЕРДИЕВ**-нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ҚОНУН
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Навбатчи Мадҳия Авазова
Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев
Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4755
Буюртма — V-4382

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5

ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМЛАШТИРИЛСА



БАРЧА соҳаларда қонунчиликни тизимлаштириш, қабул қилинганга кўп вақт бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва уларни бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларга уйғунлаштириш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қонунчиликдаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ жадал ривожланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортишига олиб келди.

Бу борада рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йил сентябрь ҳолатига кўра, 26 632 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат Lex.uz га жойлаштирилган. Уларнинг 1 897 таси қонун ҳужжатлари

(қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари), 24 735 таси қонуности ҳужжатлари (Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг буйруқлари ва қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари) ҳисобланади.

Қонунчилик базасининг 90 фоизидан ортиқроғини қонуности ҳужжатлари ташкил этади.

Янги қабул қилинган Фармонга мувофиқ Президент томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг 498 таси ўз кучини йўқотган деб топилди, 121 тасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчи босқичда Президентнинг 500 га яқин Фармон ва қарорлари бекор қилинди. Ушбу йўналишдаги ишлар давом этади.

Жумладан, хатлов натижасида аниқланган Ҳукуматнинг 2 мингдан ортиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорлари танқидий таҳлил қилиниб, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилади.

Бир ташкилот фаолияти 10 та қонуности ҳужжати билан тартибга солиниши қанчалик тўғри?

Ушбу масаланинг долзарблигини аниқ бир мисол билан кўриб чиқиш мумкин. Ҳозирги кунда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолияти 10 та қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. 10 та турли хил қонун ҳужжатлари ўрнига барча асосий масалаларни: тегишли давлат органи фаолиятининг ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бошқа жиҳатларини қамраб олган бир ҳужжатни тушуниш ва унга амал қилиш осонроқ кечади.

Умумий ҳисобда, 2,5 минг қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган, деб топилди.

Натижада амалдаги қонунчилик базаси 10 фоизга қисқартирилади.

Бу каби қонунчиликни тизимлаштириш билан боғлиқ амалиёт хорижий тажрибада кенг қўлланилади.



Дунё нима геюгу?

Жумладан, илк бор тўқсонинчи йилларда Швецияда тадбиркорлик ва инвестициянинг жалб қилинишига тўсқинлик қилувчи нормаларни бекор қилинган.

Бундан ташқари, Италия, Мексика, Жанубий Корея, Венгрия, Хорватия, Россия, Молдова ва бошқа давлатларда ўтказилган ялпи хатлов натижалари бўйича аниқланган ишламайдиган, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳамда қонунчиликка зид бўлган қоидалар бекор қилинган.

Австралияда ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳар 10 йилда қайта кўриб чиқиш амалиёти махсус қонун билан жорий этилган. Ҳар бир қонун ҳужжатининг эгаси бор. Тегишли ҳужжат юзасидан масъул этиб белгиланган давлат органи ушбу ҳужжат қабул қилинганидан 10 йил ўтгандан сўнг унга эҳтиёж мавжудлигини исботлаб бериши лозим. Акс ҳолда ҳужжат автоматик равишда ўз кучини йўқотади.

Амалдаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш билан бир қаторда норма ижодкорлиги, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнлари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш йўналишида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кўлами кенгайтирилмоқда.

Эндилликда:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш лойиҳани ишлаб чиққан идора ва ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz) дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;
- амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳуқуқий мониторинг бўйича электрон майдончадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш "E-Qaror" ягона электрон тизимдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.
- муаммо таҳлили, уни ҳал этиш йўллари, рақобатга таъсирини баҳолаш, янги тартибга солиш воситаларини жорий этишнинг эҳтимолий оқибатларини прогнозлаш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил қилишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича таҳлилий материаллар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси, идоралараро келишув ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичларида лойиҳага илова қилинади;
- Адлия вазирлиги ҳар йили мамлакатда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаб, уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Lex.uz, Regulation.gov.uz, Project.gov.uz, "очик платформа"



Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари сифатига, шакл-шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатадиган норма ижодкорлиги жараёнининг очиқлиги, оммабоплиги ва шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг барча амалдаги қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилиши лозим.

Керакли ҳужжатларни қидириш жараёнини осонлаштириш учун Адлия вазирлигига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги қарорига мувофиқ яратилган ҳамда 2017 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш учун расмий манба мақоми берилган Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини такомиллаштириш вазифаси юклатилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва оператив, ташкилий ва бошқа характердаги ҳужжатларни, шунингдек, ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги актларни алоҳида жойлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Шубҳасиз, замонавий технологиялар ҳаётни анча содда-лаштирибгина қолмай, балки осонлаштиради ҳам. Бу норма ижодкорлиги жараёнига ҳам тегишли. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдала-

ниш натижасида пандемия билан боғлиқ карантин чораларини кучайтириш пайтида ҳам норма ижодкорлиги бўйича ишларни улуксиз ташкил этишга муваффақ бўлинди. Масалан, 2020 йил 1 январдан бошлаб интернетнинг бутунжаҳон ахборот тармоғида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича ягона электрон тизим (www.project.gov.uz) тўлиқ режимда иш бошлади.

Шуни билан бирга, давлатимиз раҳбарининг Фармонида норма ижодкорлиги жараёнини келгусида автоматлаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш порталида (www.regulation.gov.uz) тартибга солувчи юкни камайтириш, гуруҳларда ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзаро таъсирли механизмларни яратиш мақсадида "очик платформа" (open platform) жорий этилмоқда.

Давлат идоралари ва ташкилотлари билан мазкур мавзуга бағишланган онлайн учрашувлар ва мунозараларни бошлаш, қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсирини баҳолаш соҳасида "краудорсинг" имкониятларидан фойдаланиш, онлайн-сўровлар ўтказиш ва бошқа ташаббуслар Фармонда белгиланди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар мамлакатнинг ишбилармонлик муҳитини, инвестициявий жозибдорлигини яхшилашга ёрдам беради ҳамда қонунчилик базасини соддалаштириш учун ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан самарали ва очик мулоқотни ташкил этишга имкон яратади.

Сардор НУСРАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими